



## ИЖОДИЙ ТАФАККУРНИ ЎСТИРИШ ОМИЛЛАРИ

**Бабашева Г.Б.**

*Ажсиниёз номидаги НДПИ «Умумий педагогика ва психология»  
кафедраси н.ф.ф.д , доцент в.в.б*

**Таянч сўзлар:** баҳолаш, фикрлаш, мулоҳаза қилиш, савол- топшириқлар, ижодий фикрлаш, мотивация, шахсий қарашлар.

**Ключевые слова:** оценка, мышление, рассуждение, вопросы, творческое мышление, мотивация, личные взгляды.

**Key words:** evaluation, thinking, reasoning, questions, creative thinking, motivation, personal views.

### **РЕЗЮМЕ:**

Ушбу мақолада сўнгги йилларда ижодий тафаккурни ривожлантиришга доир мамлакатимизда амалга оширилиётган ислохатлар, бошланғич синф ўқувчиларининг савол ва топшириқлар тузиш ва уларга ижодий ёндашган ҳолда жавоб бериш, савол-топшириқлар ўқувчиларнинг мустақиллигини оширишга, эркин ва ижодий фикрлашга ундайдиган, матн моҳиятини англашга, мутолаага мотивация уйғотишга, шахсий қарашларини асослаш ва химоя қилишга йўналтириши ҳаққида сўз етилган.

### **РЕЗЮМЕ:**

В данной статье реализованные в нашей стране реформы по развитию творческого мышления в последние годы, создание вопросов и заданий учащимися начальных классов и их творческих ответов, вопросов и заданий способствуют повышению самостоятельности учащихся, поощряют их. мыслить свободно и творчески, понимать смысл текста и мотивировать его читать, говорят, что он направляет свои личные взгляды на оправдание и защиту.

### **SUMMARY:**

In this article, the reforms implemented in our country to develop creative thinking in recent years, the creation of questions and tasks by primary school students and their creative answers, questions and tasks contribute to increasing the independence of students, encourage them to think freely and creatively, understand the meaning of the text and motivate it to read, they say that he directs his personal views to justification and defense.

Сўнгги йилларда мамлакатимиз таълим тизимида ўқувчиларнинг саводхонлигини баҳолаш бўйича халқаро дастур (ПИСА) ҳамда бошланғич синф ўқувчиларининг матнни ўқиб тушуниш даражасини баҳоловчи халқаро дастур (ПИРЛС)ларда иштирок этиши юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланиб, амалда тегишли ишлар олиб борилмоқда.



ПИСА ва ПИРЛС каби халқаро дастурлар таълим олувчиларнинг ўқиш саводхонлиги бўйича билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш мақсадига қаратилганлиги билан муҳим аҳамият касб этади. Мазкур дастурлар турли ёшдаги, жумладан, 15-16 ёшдаги ва бошланғич синф ўқувчиларининг ўқиш саводхонлигини баҳолашга мўлжалланган.

ПИСА ва ПИРЛС дастурларида таҳлиллаш, таққослаш, гуруҳлаштириш ҳамда умумлаштириш каби ақлий фаолият турларига ўқиш саводхонлигини оширишнинг асосий омили сифатида қаралади.

Адабий таълим жараёнида ўқувчиларнинг ўқиш саводхонлигини аниқлаш учун турли матнлардан фойдаланилади. Ўқиш саводхонлигини текшириш аниқ кўринишдаги ахборотларни излаб топиш, маълум фактлар асосида натижа ва хулосаларини баён қилиш, ахборотларни умумлаштириш ва шарҳлаш, матн тузилиши, услуби ва мазмунини баҳолаш юзасидан топшириқлар тайёрлаш мақсадга мувофиқлигини кўрстади.

Ўқиш саводхонлигини ривожлантиришда берилган топшириқлар асосида ахборотларни танлаш ва муайян тартибга солиш, расмлар билан ишлаш, чизмалар ва жадваллар асосида маълумотларни топишга ўргатиш, матндаги ахборотларнинг муайян қисмларини умумлаштириш, матндаги савол-топшириқларни қайтадан тузиш, фикларини ёзма тарзда ифодалай билиш каби йўналишларда иш олиб бориш мумкин. Бундай мазмундаги ишлар рағбатлантириш, ахборот узатиш, назорат-тузатиш, ривожлантириш-тарбиялаш ва ўқитиш каби ўқув дарсликлари бажарадиган дидактик талабларни мувофиқлаштиришни талаб этади. Ўқиш саводхонлиги дарсликлардаги маънавий-эстетик тарбия, ижодкорликни ривожлантириш, матн мазмунини ўзлаштириш воситаси бўлган савол-топшириқларни ўқувчиларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини, фанга оид ва таянч компетенцияларни ривожлантириш нуқтаи назаридан тузилишига боғлиқ.

Яхши аёнки, умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари учун мўлжалланган дарсликлар давлат таълим стандартларида белгиланган: дидактик, методик, педагогик-психологик, эстетик ва гигиеник талабларга жавоб бериши, назарий маълумотлар, амалий-тажриба ва синов машқларитаълим олувчиларнинг ёши ва психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўқув фани асосларини тўлиқ ўзлаштиришини назарда тутди. Бу талаблар эса, ўз навбатида, дарсликлардан ўрин олган матнлар устида ишлаш йўлларини, бадий асарларни ўқувчиларнинг ёши, интеллектуал имкониятлари даражасида дидактик таҳлил этишмасаласига ижодий ёндашиш долзарблигини кўрсатади.



Методист Қ.Хусанбоева бошланғич адабий таълим дарсликларидан ўрин олган матнлар устида ишлаш йўллари, бадий асарларни кичик ўқувчиларнинг ёши, интеллектуал имкониятлари даражасида таҳлил қилиш муаммосини тадқиқ қилар экан, бу борада қуйидагича фикр билдиради:

“Ўқиш китоби” дарсликларининг умумий таҳлилига таяниб шуни айтиш мумкинки, бошланғич синф ўқувчиларида инсоний сифатларни шакллантиришда болаларнинг кучи, ақли ва имкониятларидан унумли фойдаланилмаяпти. Дарсликларда ўрганиш учун тақдим этилган ўқув материалларининг кўпчилиги мантиқсиз, жўн, ҳаётий ҳақиқатдан узок. Бир қисми насихатгўйликка қурилган. Улар мавзудан келиб чиқиб, муаллифлар томонидан шунчаки “тўқиб” ташлангандай тасвур уйғотади кишида. Ёки юксак бадий матнлар шунчалар нўноқлик билан қисқартириб тақдим этилганки, улар болаларни мантиқсиз сайрайверадиган тўтиқушларга айлантиради. Асарлар матни юзасидан тузилган: “Нима учун она-Ер деймиз? Жавобни матндан топиб ўқинг ва ўқиганингизни ёд олинг”, “Навойнинг истаги ифодаланган мисраларни ўқинг”, “Якшанба куни қандай воқеа юз берди?”, “Ота-она ўз фарзандига нисбатан қандай иборани ишлатади?” каби мантиқсиз савол-топшириқлар ўқувчиларни матнмазмунини такрорлашига мажбур қилади, холос .

Фикримизча, бошланғич синф дарсликларида бериладиган савол-топшириқлар ўқувчиларнинг мустақиллигини оширишга, эркин ва ижодий фикрлашга ундайдиган, матн моҳиятини англашга, адабий қаҳрамонларнинг ички дунёсини илғашга, мутолаага мотивация уйғотишга, шахсий қарашларини асослаш ва ҳимоя қилишга йўналтириши каби мақсадлардан келиб чиқиб тузилиши зарур.

Савол-топшириқларни тузишда нафақат ўқувчининг билиш жараёнлари ривожини, балки ўрганилаётган асарнинг жанр ва тур хусусиятлари, тили, воқеликнинг бадий талқини, образ-персонажларнинг ўзига хос жиҳатларини эътиборга олиш, ёш китобхонларнинг адабиётга оид илк тасаввур ва билимларини ошириш масаласидиққат-марказида туриши муҳим ҳисобланади. Савол ва топшириқлар бадий матнни ўрганишнинг энг тўғри ва оптимал йўллари танлашга, адабий материал устида ишлаш жараёнида ўқувчиларнинг ижодий тафаккури ва нутқини ривожлантириш вазифаларини яхлит ҳал этишга хизмат қилади.

Кузатишларимиздан маълумки, амалдаги бошланғич синфларнинг “Ўқиш китоби” дарсликларида бадий асарлар мазмунини ўзлаштириш, -матн устида ишлаш юзасидан муайян шакл ва характердаги савол ва топшириқлар берилган. Савол-топшириқларни тузишда матн мазмуни ва



ҳажми кўзда тутилган. Шунингдек, матндаги асосий фикрни англаш, болаларнинг ахлоқий-эстетик тарбияси, билиш жараёнлари, хусусан, ижодий тафаккурини ривожлантиришмақсадидан келиб чиқиб, қуйидаги мезонларга таянилган:

а) бирор воқеа-ҳодиса ёки қаҳрамонларни тавсифлашга доир савол-топшириқлар;

б) умумлаштирувчи характердаги савол-топшириқлар;

в) ўзлаштирилган билимларни эсга туширишга қаратилган савол-топшириқлар;

г) фикрлашга ва таҳлилга оид савол-топшириқлар.

Тадқиқотларимиздан кўринадики, ўқувчилар бирор мавзу юзасидан эшлашга доир савол-топшириқларга ҳеч бир қийинчиликларсиз жавоб топадилар. Лекин шахсий нуқтаи назарларини баён этишга қаратилган ёки мантиқий характердаги масалалар қўйилганда маълум қийинчиликларга дуч келадилар. Бундай қийинчиликлар болаларда масалани ўрганишнинг илк босқичида кўзга ташланса-да, ўқитувчисининг ёрдамида аста-секинлик билан ҳал этишга киришади.

Фикрлашга йўналтирувчи савол ва топшириқлар қўйилганда ўқувчиларнинг фаоллиги ортади, мавзу моҳиятига чуқурроқ кириш имкони яратилади, бирмунча қийинроқ масалалар ёки нотаниш вазиятларнинг ечимини топишга эришилади. Савол ва топшириқлар орқали ўқувчини чуқурроқ мушоҳада қилишга ўргатиш турли хил вазиятларда, хусусан, маълум нарсаларнинг асосий қисми тўлиқ бўлганда, қандайдир янгиликни ўзи учун кашф этишэҳтиёжи пайдо бўлганда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ.

Бошланғич синфларнинг “Ўқиш китоби” дарсликларида берилган асарлар матни устида ишлаш жараёнида ўқувчилар мавзуга доир умумий жиҳатларни тўғри англайдилар, аммо муаммо юзасидан шахсий қарашларини асослашда муайян қийинчиликларни ҳис қиладилар. Бунинг сабабини ўқувчи ўзида мавжуд билимларни, мавзуга тегишли далилларни маълум тизимга сола билмаслиги ва умумлаштира олмаслиги тарзида изоҳлаш мумкин.

Ўқувчиларда қийинчилик туғдирадиган юқоридаги каби ҳолатларни бартараф этишда қуйидагиларга амал қилиниши мақсадга мувофиқ:

- ўрганилган билимларни таянч фикр атрофида умумлаштириш;
- улар орасидан асосий ва муҳим фикрларни аниқлаш;
- шахсий қарашларини ўз сўзлари билан ифодалашга одатлантириш;
- фикрларига яқун ясай олиш ва бошқ.



Ўқувчиларни бундай мазмундаги фаолиятга ўргатиш уларни маълум воқеа-ҳодисалар сабабини изоҳлаш, ўз нуқтаи назарини мантиқан асо-слаш, масалага нисбатан ҳолис муносабатини билдириш, кузатишларига таяниб фикрларини умумлаштириш ва хулосалашга шароит яратиш за-рурлигини кўрсатади.

Савол-топшириқлар ўқувчиларнинг мавжуд билимларига асосланиб улардан янги вазиятларда фойдаланишга, шунингдек, ўрганилаётган нар-са, ҳодиса ёки объектнинг ҳали номаълум жиҳатларини топишга, шу орқа-ли ақлий фаолияти ва ижодий тафаккурини ривожлантиришга ёрдам бе-ради. Бошланғич 3-синф “Ўқиш китоби” дарслигида савол-топшириқлар қандай мазмунда акс этганлигини таҳлил қиламиз:

### 1. Тавсифлашга доир савол ва топшириқлар:

“Сиз Ватанингизни қандай таърифлайсиз?”, “Ватан деганда нималар кўз олдингизга келади?” (“У.Ҳамдам. “Ватан десам...”), “Ўзингиз яша-ётган маҳалла ҳақида кичик матн тузинг” (К.Турдиева. “Обод маҳалла бўйлаб”), “Узумнинг турларига қандай таъриф берилган?” (Т.Йўлдош. “Узумлар оиласи”), “Бобо қандай фазилатга эга” (М.Исмоилий. “Бобонгиз хафа бўлсалар майлими?”), “Ғознинг қайси жиҳатлари қушларга маъқул бўлмади?” (С.Ғафуров. “Ғоз – хунаринг оз”), “Шоир қорни нимага ўхшат-ган?” (Д.Ражаб. “Қор алёри”) ва ҳ.к.

### 2. Умумлаштирувчи характердаги савол ва топшириқлар:

“Опа-сингил дарёлар ҳақида нималарни билиб олдингиз?” (Гўзал Бегим. “Опа-сингил дарёлар”), “Сиз эртақдан қандай хулоса чиқардин-гиз?” (К.Турдиева. “Вақтинг кетди – нақдинг кетди”), “Шеърда табиат манзараси қандай тасвирланган?” (Қ.Муҳаммадий. “Қиш ҳам чиройли”) ва бошқ.

### 3. Ўзлаштирилган билимларни эсга туширишга қаратилган савол ва топшириқлар:

“Шеърда номлари қайд этилган шаҳарлар ҳақида нималарни биласиз?” (Д.Ражаб. “Юртим жамоли”), “Ўзбек халқининг қанақа анъаналарини би-ласиз?” (З.Ҳасанова. “Ҳосил байрами”), “Нима учун бир йигитга қирқ ху-нар ҳам оз дейишади? Ўз сўзингиз билан изоҳланг (С.Ғафуров. “Ғоз – ху-наринг оз”) ва ҳ.к.

### 4. Ҳар томонлама ўйлашга ва таҳлилга қаратилган савол- топши-риқлар:

“Қарғалар қизчадан хуркмай қўйганининг сабабини изоҳланг” (Н.Норқобилов. “Қизча ва қарғалар”), “Ҳады қилиб илм-фан, Ёруғ йўллар кўрсатдинг” мисрасини қандай тушундингиз?” (З.Диёр. “Китоб, менинг



дўстимсан”), “Шоир хўроз тимсолида қандай ўқувчиларни назарда тутяпти?” (З.Мўминова. Хўроз нега учмайди?)” кабилар.

Хулоса қилиш мумкинки, ўқувчиларнинг чуқур мушоҳада юритишини талаб этадиган савол ва топшириқлар мавзуга нисбатан ижодий ёндашувни тақозо қилади, мустақил фикр юритиш асносида умумлашмалар қилиш ва хулосаларга келиш кўникма-малакаларини шакллантиради. Бу эса соҳа мутахассислари ва тажрибали ўқитувчилар томонидан амалдаги дарсликлар мазмунига халқаро баҳолаш дастурлари мезонларига мувофиқ ўзгартиришлар киритилишига бевосита дахлдор.

#### Адабиётлар:

1. Блоом Б.С. Handbook on Formative and Summative Evaluation of Student Learning. MtsGrai-Hill, N-Y., 2014. –П.232.
2. Магшонов С. ва бошқ. Ўқиш китоби. Умумий ўрта таълим мактабларининг 4-синфи учун дарслик. – Тошкент: Ўқитувчи, 2017. – 216 б.
3. Методика преподавания литературы в средних специальных учебных заведениях. Под ред. А.Д.Жижиной. –Москва: Высшая школа, 1982. – 8 с.
4. Babasheva G.B. Some Issues of Transmission of Written and Oral Speech of Primary Schoolchildren // Central asian journal of literature, philosophy and culture eISSN: 2660-6828 | Volume: 04 Issue: 06 June 2023 13-16p.
5. Pazilov.A.K., Babasheva G.B. Pedagogical-Psychological Characteristics Of Teaching Primary Class Students To Creative Thinking // Annals of forest research [https://www.e-afr.org/Ann. For. Res. 65\(1\): 2258-2266, 2022 ISSN: 18448135, 20652445 2258-2266p](https://www.e-afr.org/Ann. For. Res. 65(1): 2258-2266, 2022 ISSN: 18448135, 20652445 2258-2266p)
6. Бабашева Г.Б. Маденова Н.А. Бошланғич синф ўқувчиларида луғат устидаги ишлар орқали нутқини ва фикрлаш қобилитини ривожлантириш // Таълим ва инновацион тадқиқотлар образований и инновационные исследования education and innovative research № 12/3, 2022 Декабрь 49-54b
7. Babasheva G.B. Такқослаш ёки қиёслашга доир мустақил ишларнинг бошланғич синф ўқувчилар билимини оширишдаги аҳамияти// "Zamonaviy dunyoda pedagogika va psixologiya" nomli ilmiy, masofaviy, onlayn konferensiya 2023 <https://doi.org/10.5281/zenodo.8002901> 14-15b
8. Babasheva G.B., Yo'ldashev.S., Shaxslarda munosabat turlari va muloqat haqida tushuncha// The role of exact sciences in the era of modern development(respublican sciences and practical conference) 4.06.2024. 9-10 p. <https://uzresearchers.com/index.php/RESMD/article/view/2832>
9. Babasheva G.B. Effective Methods of Instructing Primary Class Students to Creative Thinking// Journal of Advaced Zoology(india) Volume 44 Issue S-3 Year 2023 Page 783:795